



**ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
АХБОРОТНОМАСИ  
1-сон**

**ВЕСТНИК  
МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН  
№ 1**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ**


**1-сон**

**ВЕСТНИК  
МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**№ 1**

**Тошкент – 2018**

*2018/4*



Мазкур ахборотнома узлуксиз таълим тизимида, шунингдек олий таълим соҳасида 2018 йилда янги қабул қилинган ва қайта ишланган ҳамда такомиллаштирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олди.

Ахборотнома таълим соҳаси ходимларига, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамоат бошқаруви органлари, талабалар, илмий тадқиқотчилар, услубчилар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

### **БОШ МУХАРРИР:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Маджидов Иномжон Уришович**

### **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ**

***Д. Набиев, М. Холмухамедов, У. Бегимкулов, М. Иноятов,  
А. Холиқов, Б. Рахимов, Р. Сулейманова, У. Раҳимова,  
И. Ибрагимов (масъул котиб)***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилларда касб-хунар таълимини ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, иқтидорли ёшларнинг халқаро ва республика олимпиадалари ҳамда танловларда салмоқли натижаларга эришишларида уларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожланишини таҳлил қилиш натижалари тизимнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва туб ислохотларга муҳтожлигини кўрсатди:

биринчидан, касб-хунар коллежлари аҳоли яшаш жойларига яқин бўлмаган масофада жойлаштирилганлиги, айниқса, ҳудудларда транспорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда об-ҳаво шароитлари туфайли ўқувчиларнинг вақти-вақти билан оммавий равишда дарс машғулотларини қолдиришларига сабаб бўлмоқда;

иккинчидан, касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини шакллантиришнинг мавжуд амалиёти касб-хунар коллежлари таълим йўналишларига жавоб бермайдиган ўқув устахоналари ташкил этилишига, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келди. Касб-хунар коллежлари моддий-техник жиҳозланишининг ўртача даражаси бугунги кунда атиги 56 фоизни ташкил этади, 31 та касб-хунар коллежида ўқув устахоналари умуман мавжуд эмас;



учинчидан, етарли даражада молиялаштирилмаганлиги натижасида касб-хунар таълими тизими учун зарур бўлган кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмади, дарсликларнинг 50 фоизи рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинмаган, амалдаги дарсликлар бирор марта янгиланмаган;

тўртинчидан, касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизими худудлардаги иктисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжларидан ортда қолганлиги, шунингдек, касб-хунар коллежлари учун белгиланган қабул квоталарида меҳнат бозори конъюнктураси ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш имкониятлари ҳисобга олинмаслиги битирувчиларни ишга жойлаштиришда қийинчилик туғдирмоқда;

бешинчидан, касб-хунар коллежларидаги мавжуд ўқув жараёнини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати, қўлланилаётган ўқув-норматив ҳужжатлар ҳамда ўқитиш муддатлари касбларнинг мураккаблик даражасига жавоб бермайди, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишдаги камчиликлар олинаётган билим даражаси тушиб кетишига ва тегишли равишда қатор таълим йўналишлари бўйича битирувчиларга бўлган эҳтиёжнинг пасайишига олиб келади ва натижада ўқишни тамомлагандан кейин иш жойларида уларни қўшимча ўқитиш заруратини келтириб чиқармоқда;

олтинчидан, аҳоли турли тоифаларини «Ҳаёт давомида таълим олиш» принципи бўйича касбга тайёрлаш тизимининг етарли ривожланмаганлиги аксарият катта ёшли аҳоли, шунингдек, ишсиз ёшлар ва ногирон шахсларнинг меҳнат бозорида кераксиз бўлиб қолишига олиб келмоқда;

еттинчидан, касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқувчиларни интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларнинг бўш вақтларини банд этишнинг самарасиз механизми ўқувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноий қилмишлар сони ортишига, уларнинг ўқишга қизиқиши ҳамда даволатнинг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизимига ўтилиши жамоатчилик, ота-оналар ва 9-синфлар битирувчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш,

малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларда, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга оширилади;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга оширилади;

касб-хунар коллежларига 2017/2018 ўқув йилига кадар (ушбу ўқув йили қўшилган ҳолда) ўқишга қабул қилинган ўқувчилар ўқишни ўзлари таълим олаётган касб-хунар коллежларида амалдаги ўқув дастурлари асосида белгиланган тартибда тугатадилар.

2. Қуйидагилар касб-хунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб эҳтиёж юқори бўлган ва турдош мутахассисликлар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган ва камида иккита хорижий тилни биладиган малакали кадрларни тайёрлаш;

кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корхоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга,

шунингдек, ўқувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёни янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этиш;

етақчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун касб-хунар таълими соҳасига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

касб-хунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш;

касбга ўргатиш билан бир қаторда таркибий жиҳатдан умумий таълим олишни биргаликда олиб борадиган, шунингдек, нодавлат таълим секторини узлуксиз давлат таълим тизими билан самарали интеграциялаш, табақалаштирилган таълим жараёнини ташкил этиш бўйича орттирилган амалий тажрибани тизимлаштириш ва келгусида амалиётга жорий этиш;

мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

юқори самарали ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва инновацион технологияларга асосланган парклар билан жиҳозланган касб-хунар коллежларининг замонавий моддий-техника базасини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

### 3. Қуйидагилар:

касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш Республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 1-иловага\* мувофиқ;

касб-хунар коллежлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб бориш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларининг намунавий таркиби (кейинги ўринларда – ҳудудий ишчи гуруҳ) 2-иловага\* мувофиқ ташкил этилсин.

\* 1- ва 2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

4. Республика комиссияси (К. Акмалов), ҳудудий ишчи гуруҳлар қуйидагиларни таъминласин:

а) уч ой муддатда мавжуд таълим дастурларига кирадиган мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжни аниқлаш, уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқлиги, кейинчалик битирувчиларни бириктириш мақсадида тармоқларда потенциал иш берувчиларни аниқлаш юзасидан касб-хунар коллежлари фаолиятини ҳар томонлама танқидий ўрганиб чиқиш;

б) 2018 йил 1 июлгача тегишли Хукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш, унда қуйидагиларни назарда тутиш:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсадли параметрларига ва меҳнат бозори прогнозига мувофиқ, кадрларга бўлган мавжуд реал эҳтиёжни инobatга олиб касб-хунар коллежларини тармоқ бўйсунуви асосида тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар тасарруфига ўтказиш;

тадбиркорлик соҳаси, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун меҳнат бозорида талаб қилинаётган касблар бўйича кадрларни мақсадли тайёрлайдиган кўп тармоқли касб-хунар коллежларини ташкил этиш;

тармоқвазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар – кадрлар буюртмачилари томонидан алоҳида мутахассисликлар (касблар)га эҳтиёж ва талаб паст бўлган касб-хунар коллежлари умумий сонини оптималлаштирган ҳолда уларни қисман қайта ташкил этиш;

оптималлаштирилиши керак бўлган касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасидан, уларда умумтаълим мактаблари, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ва мактабгача таълим муассасалари жойлаштирилишини назарда тутиб, бино ва иншоотларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар бажарилгандан сўнг Республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини тугатади.

5. Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритиладиган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларида янги йўналишлар ва мутахассисликлар очилиши бўйича таклифлар киритсин.

6. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

касб-ҳунар коллежлари аксарият ҳолларда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда йирик корхоналар – тармоқ бўйсунуви бўйича кадрларга буюртмачилар таркибида фаолият юритади;

касб-ҳунар коллежларининг бериладиган бинолари, иншоотлари, жиҳозлари, мебель ва инвентари қиймати қўшимча қиймат солиғи ва даромад солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

2017/2018 ўқув йилигача (ушбу ўқув йили ҳам шу жумлага киради) касб-ҳунар коллежларига қабул қилинган ўқувчилар ўқишни тўлиқ тугатгунига қадар ушбу касб-ҳунар коллежларининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг тасарруфидаги касб-ҳунар коллежларини сақлаш, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга мақсадли тарзда йўналтирилган маблағлари барча турдаги солиқлардан ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар



таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 25 январь,  
ПФ-5313-сон

\* \* \*

**УКАЗ**  
**ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**О МЕРАХ ПО КОРЕННОМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ**  
**СИСТЕМЫ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО, СРЕДНЕГО**  
**СПЕЦИАЛЬНОГО И ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО**  
**ОБРАЗОВАНИЯ**

Государством уделяется особое внимание вопросам совершенствования системы непрерывного образования, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, повышения доступности и качества образовательных услуг.

За прошедшие годы реализован комплекс мер по развитию профессионального образования, укреплена правовая база в целях обеспечения модернизации и обновления содержания учебного процесса, принят ряд системных мер по оказанию адресной

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар бажарилгандан сўнг Республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини тугатади.

5. Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йил яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритиладиган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда касб-хунар коллежларида янги йўналишлар ва мутахассисликлар очилиши бўйича таклифлар киритсин.

6. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

касб-хунар коллежлари аксарият ҳолларда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда йирик корхоналар – тармоқ бўйсунуви бўйича кадрларга буюртмачилар таркибида фаолият юритади;

касб-хунар коллежларининг бериладиган бинолари, иншоотлари, жиҳозлари, мебель ва инвентари қиймати қўшимча қиймат солиғи ва даромад солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

2017/2018 ўқув йилигача (ушбу ўқув йили ҳам шу жумлага киради) касб-хунар коллежларига қабул қилинган ўқувчилар ўқишни тўлиқ тугатгунига қадар ушбу касб-хунар коллежларининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг тасарруфидаги касб-хунар коллежларини сақлаш, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга мақсадли тарзда йўналтирилган маблағлари барча турдаги солиқлардан ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар

таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 25 январь,  
ПФ-5313-сон

\* \* \*

**УКАЗ**  
**ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**О МЕРАХ ПО КОРЕННОМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ**  
**СИСТЕМЫ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО, СРЕДНЕГО**  
**СПЕЦИАЛЬНОГО И ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО**  
**ОБРАЗОВАНИЯ**

Государством уделяется особое внимание вопросам совершенствования системы непрерывного образования, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, повышения доступности и качества образовательных услуг.

За прошедшие годы реализован комплекс мер по развитию профессионального образования, укреплена правовая база в целях обеспечения модернизации и обновления содержания учебного процесса, принят ряд системных мер по оказанию адресной

поддержки талантливой молодежи в достижении значимых результатов на республиканских и международных олимпиадах и конкурсах.

Вместе с тем проведенный анализ результатов развития общего среднего, а также среднего специального, профессионального образования показал, что нынешнее состояние системы не отвечает современным требованиям и нуждается в коренном реформировании:

первое, отсутствие системного подхода в размещении профессиональных колледжей вблизи мест проживания населения становится причиной периодических массовых пропусков занятий учащимися, особенно в связи с недостаточной развитостью дорожно-транспортной инфраструктуры в регионах и погодными условиями;

второе, существующая практика формирования материально-технической базы профессиональных колледжей привела к созданию учебных мастерских, не отвечающих направлению обучения, недостаточно укомплектованных необходимыми комплектующими и запасными частями. Средний уровень материально-технического оснащения профессиональных колледжей составляет лишь 56 процентов, а в 31 профессиональном колледже вообще отсутствуют учебные мастерские;

третье, в результате недостаточного финансирования многие необходимые учебники и учебные пособия для системы профессионального образования не были изданы, 50 процентов учебников не переведены на русский и каракалпакский языки, а имеющиеся учебники ни разу не обновлялись;

четвертое, система подготовки кадров в профессиональных колледжах, не обеспечивающая реальные потребности отраслей экономики в регионах, а также устанавливаемые квоты приема в профессиональные колледжи, не учитывающие конъюнктуру рынка труда и наличие возможностей для организации производственной практики, в результате приводят к проблемам с трудоустройством выпускников;

пятое, современное состояние организации учебного процесса в профессиональных колледжах, применяемые учебно-нормативные документы, а также сроки обучения не отвечают уровню сложности профессий, недостатки в организации производственной практики

приводят к снижению качества получаемых знаний и, соответственно, слабой востребованности выпускников по ряду направлений образования, в результате чего требуется организация дополнительного их обучения на рабочих местах после завершения учебы;

шестое, недостаточное развитие системы профессиональной подготовки различных категорий населения по принципу «Образование на протяжении жизни» оставляет невостребованными рынком труда значительное количество взрослого населения, а также молодежи и лиц с инвалидностью, нуждающихся в трудоустройстве;

седьмое, формальное отношение к организации учебного процесса в профессиональных колледжах и интеллектуальному, духовно-нравственному воспитанию учащихся, неэффективный механизм организации их свободного времени приводят к увеличению случаев совершаемых учащимися правонарушений и преступных деяний, снижению посещаемости занятий и интереса к учебе.

Переход с 2017/2018 учебного года на систему 11-летнего обязательного общего среднего образования получил широкую поддержку со стороны общественности, родителей и выпускников 9-х классов.

В целях коренного совершенствования системы общего среднего, среднего специального, профессионального образования на основе опыта развитых зарубежных стран, создания условий для подготовки квалифицированных кадров, повышения занятости выпускников профессиональных колледжей, а также реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах:

#### 1. Установить, что:

начиная с 2018/2019 учебного года обязательное общее среднее и среднее специальное образование осуществляются в общеобразовательных школах, в том числе специализированных школах и школах-интернатах искусств и культуры, специализированных школах-интернатах олимпийского резерва, а также академических лицеях на основе непрерывного и 11-летнего цикла;

начиная с 2019/2020 учебного года прием в профессиональные колледжи будет осуществляться из числа выпускников 11-х классов общеобразовательных школ на добровольной основе с целью



получения соответствующей специальности (профессии) со сроком обучения от шести месяцев до двух лет;

учащиеся профессиональных колледжей, принятые на учебу до 2017/2018 учебного года включительно, завершают обучение в профессиональных колледжах в установленном порядке по действующим учебным программам.

2. Считать важнейшими задачами системы подготовки кадров в сфере профессионального образования:

подготовку квалифицированных кадров по востребованным специальностям, в том числе смежным, с учетом приоритетов и перспектив развития экономики, современных технических и технологических тенденций, обладающих практическими навыками работы с использованием современных информационно-коммуникационных технологий и со знанием не менее двух иностранных языков;

координацию деятельности профессиональных колледжей по коренному повышению качества подготовки востребованных отраслями и сферами экономики специалистов, с учетом реальных потребностей в кадрах и предложений предприятий-работодателей;

организацию педагогического процесса на основе новых форм и методов, направленных на воспитание молодежи гармонично развитыми личностями, в духе патриотизма и преданности идее национальной независимости, а также на развитие духовных и нравственных качеств учащихся на основе нашего богатого научного, культурного и духовного наследия, уважения национальных и общечеловеческих ценностей;

всестороннее развитие сотрудничества с ведущими отечественными и зарубежными образовательными учреждениями, привлечение высококвалифицированных зарубежных специалистов в области профессионального образования для совместной реализации современных инновационных учебных проектов;

приведение требований национальных стандартов профессионального образования в соответствие с требованиями Международной стандартной классификации образования, международных квалификационных рамок, организацию работы по поэтапному обеспечению соответствия и признания национальных квалификационных требований их международным аналогам;

систематизацию и последующее внедрение наработанного практического опыта по организации дифференцированного образовательного процесса, органично сочетающего получение общего образования наряду с профессией, а также эффективной интеграции негосударственного сектора образования в государственную систему непрерывного образования;

обеспечение тесного взаимодействия системы профессионального образования и производства с активным использованием в учебном процессе инновационных идей, технологий и разработок в целях подготовки кадров, способных эффективно участвовать в процессах дальнейшего реформирования, модернизации и достижения устойчивого роста экономики страны;

реализацию мер по формированию современной материально-технической базы профессиональных колледжей, включающую высокоэффективное учебно-лабораторное оборудование, компьютерную технику и инновационные технологические парки, и ее дальнейшему укреплению и эффективному использованию.

### 3. Создать:

Республиканскую комиссию по координации дальнейшего совершенствования системы профессионального образования (далее – Республиканская комиссия) в составе согласно приложению № 1;

территориальные рабочие группы по системному мониторингу деятельности профессиональных колледжей (далее – территориальные рабочие группы) в типовом составе согласно приложению № 2.

4. Республиканской комиссии (К. Акмалов), территориальным рабочим группам обеспечить:

а) в трехмесячный срок всестороннее критическое изучение деятельности профессиональных колледжей в плане определения реальной потребности рынка труда в кадрах по специальностям, входящим в существующие программы обучения, соответствия их целевым параметрам программ социально-экономического развития регионов, выявления потенциальных отраслевых работодателей для последующего закрепления выпускников;

б) до 1 июля 2018 года разработку соответствующего проекта правительственного решения и его внесение в Кабинет Министров Республики Узбекистан, предусмотрев в нем:

передачу профессиональных колледжей в отраслевое подчинение соответствующим министерствам, ведомствам, хозяйственным объединениям, коммерческим банкам и крупным предприятиям с учетом имеющихся реальных потребностей в кадрах в соответствии с целевыми параметрами программ социально-экономического развития регионов и прогноза рынка труда;

организацию многопрофильных колледжей для целевой подготовки кадров по востребованным специальностям на рынке труда для сферы предпринимательства, в том числе субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства;

частичную реорганизацию профессиональных колледжей с оптимизацией их общего количества в связи с отсутствием востребованности по отдельным специальностям (профессиям) со стороны отраслевых министерств, ведомств, хозяйственных объединений, коммерческих банков и крупных предприятий – заказчиков кадров;

целевое использование материально-технической базы, зданий и строений профессиональных колледжей, подлежащих оптимизации, имея в виду размещение в них общеобразовательных школ и учебно-производственных комплексов, а также дошкольных образовательных учреждений.

Установить, что Республиканская комиссия и территориальные рабочие группы прекращают свою деятельность после завершения мероприятий, предусмотренных в настоящем пункте.

5. Министерству экономики совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами по итогам каждого года вносить предложения в Кабинет Министров Республики Узбекистан по открытию новых направлений образования и специальностей в профессиональных колледжах с учетом осуществляемых изменений в программах социально-экономического развития регионов.

6. Установить, что:

профессиональные колледжи осуществляют деятельность преимущественно в составе министерств, ведомств, хозяйственных объединений, коммерческих банков и крупных предприятий – заказчиков кадров по отраслевой принадлежности;

стоимость передаваемых зданий, сооружений, оборудования, мебели и инвентаря профессиональных колледжей не является объектом налогообложения при исчислении налога на добавленную стоимость и налога на прибыль;

содержание профессиональных колледжей за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан осуществляется до полного завершения обучения учащихся, принятых на учебу в профессиональные колледжи до 2017/2018 учебного года (включительно);

средства министерств, ведомств, хозяйственных объединений, коммерческих банков и крупных предприятий, направляемые целевым назначением на содержание подведомственных профессиональных колледжей, обучение, повышение квалификации и переподготовку кадров, освобождаются от обложения всеми видами налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды.

7. Министерству юстиции совместно с Министерством высшего и среднего специального образования. Министерством народного образования и Центром среднего специального, профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан внести:

в недельный срок в установленном порядке проект постановления Президента Республики Узбекистан о совершенствовании деятельности Центра среднего специального, профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан;

в двухмесячный срок в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего Указа.

8. Контроль за исполнением настоящего Указа возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан А.Н. Арипова и Государственного советника Президента Республики Узбекистан Р.С. Касимова.

**Президент Республики Узбекистан**  
**Ш. МИРЗИЁЕВ**

г. Ташкент,  
25 января 2018 г.,  
№ УП-5313

## СОСТАВ


### Республиканской комиссии по координации дальнейшего совершенствования системы профессионального образования

1. Акмалов К.В. – заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, председатель комиссии
2. Ходжаев Б.А – министр экономики Республики Узбекистан, заместитель председателя комиссии
3. Маджидов И. У. – министр высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан
4. Иноятов У.И. – министр народного образования Республики Узбекистан
5. Шин А.В. – министр дошкольного образования Республики Узбекистан
6. Хаитов А.А. – министр занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан
7. Шадманов А.К. – министр здравоохранения Республики Узбекистан
8. Шерматов Ш.Х. – и.о. министра по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан
9. Салиев М.Х. – министр жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан
10. по должности – директор Центра профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан
11. Ортиков А.Ж. – заместитель министра экономики Республики Узбекистан



12. Каримов А.А. — заместитель министра финансов Республики Узбекистан
13. Тешаев Ш.Ж. — заместитель министра сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан
14. Салимов У.З. — председатель правления АО «Узавтосаноат»
15. Мустафоев У.М. — председатель правления АО «Узбекэнерго»
16. Сайидов У.Х. — первый заместитель председателя правления АО «Узбекнефтегаз»
17. Мустафаев А.С. — председатель правления АО «Узтрансгаз»
18. Абдуллаев А.А. — председатель правления АО «Узкимёсаноат»
19. Максудов А.Э. — председатель правления АО «Узпахтасаноат»
20. Хайдаров И.У. — председатель правления Ассоциации «Узтекстильпром»
21. Зарипов Б.К. — председатель правления АО «Узстройматериалы»
22. Жалилов Т.А. — председатель правления ХК «Узбекозиковкатхолдинг»
23. Рахимов Ш.Н. — председатель правления АО «Узвинпромхолдинг»
24. Ризаев К.С. — заведующий НАД по вопросам образования, здравоохранения, экологии, охраны окружающей среды, физической культуры и спорта Кабинета Министров Республики Узбекистан, секретарь комиссии

*Примечание. При переходе членов Республиканской комиссии на другую работу в ее состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено выполнение соответствующих функций.*



**ТИПОВОЙ СОСТАВ**  
**территориальной рабочей группы по системному мониторингу**  
**деятельности профессиональных колледжей**

1. Председатель Совета Министров Республики Каракалпакстан, хоким области и города Ташкента, руководитель рабочей группы
  2. Первый заместитель Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, заместитель хокима области и города Ташкента, заместитель руководителя рабочей группы
- Члены рабочей группы:**
3. Заместитель Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, заместитель хокима области и города Ташкента по вопросам молодежной политики, социального развития и духовно-просветительской работе
  4. Министр экономики Республики Каракалпакстан, начальник главного управления экономики и комплексного развития области и г. Ташкента
  5. Министр финансов Республики Каракалпакстан, начальник главного управления финансов области и г. Ташкента
  6. Начальник территориального управления профессионального образования Республики Каракалпакстан, области и г. Ташкента
  7. Министр народного образования Республики Каракалпакстан, начальник управления народного образования области и г. Ташкента
  8. Министр дошкольного образования Республики Каракалпакстан, начальник управления дошкольного образования области и г. Ташкента
  9. Министр занятости и трудовых отношений Республики Каракалпакстан, начальник главного управления занятости областей и г. Ташкента

10. Министр здравоохранения Республики Каракалпакстан, начальник управления здравоохранения области и г. Ташкента
11. Руководитель территориального управления Государственного комитета Республики Узбекистан по содействию приватизированным предприятиям и развитию конкуренции

*Примечание.* В состав территориальной рабочей группы также включаются руководители крупных компаний, хозяйственных объединений по территориальной принадлежности

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

**биринчидан**, айниқса, жойларда жисмоний тарбия ва спорт бошқарувининг самарали яхлит тизими мавжуд эмаслиги ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштиришни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва тарғиб қилишни таъминламаяпти;

**иккинчидан**, мамлакатимизда ҳам оммавий спорт, ҳам олий спорт ютуқлари соҳасида аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгилаган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмаган;

**учинчидан**, давлат-хусусий шериклик шартларида спортнинг замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмасини яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларнинг паст даражада эканлиги ушбу соҳада мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга имкон бермаяпти;

**тўртинчидан**, жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги терма жамоалар таркибини сифатли тўлдириш учун спорт захирасини шакллантириш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда;

**бешинчидан**, спорт кадрларини, айниқса, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини бермаяпти;

**олтинчидан**, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини қўллаб-қувватлашнинг фақат алоҳида спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилган, нооқилона тизими бошқа оммавий олимпия спорт турларини, энг аввало, спорт ўйинлари ва кишки спорт турларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаслигига олиб келган;

**еттинчидан**, спортчиларни тайёрлаш ва улар тиббий таъминотининг инновацион тадқиқотлари ва услубий ишланмалари, замонавий талабларга жавоб берадиган стандартларининг мавжуд эмаслиги сифатли ўқув-машқ жараёнининг йўлга қўйилишини таъминламаяпти;

**саккизинчидан**, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган молиявий маблағлар сарфланишининг асослиги ва ҳаққонийлиги устидан назоратнинг, энг аввало, ички назоратнинг молиявий маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ва ушбу соҳада суниестемолчиликларни бартараф этишга қаратилган самарали механизми шакллантирилмаган;

**тўққизинчидан**, халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳаллий спорт асбоб-ускуналари ва инвентарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизми назарда тутилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг:



Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини** (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ташкил этиш;

Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида спорт фаолиятини ташкил қилишда асослилик, объективлик ва шаффофликни таъминлашга, шу жумладан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган давлат молиявий маблағларидан оқилона фойдаланилишини таҳлил қилиш, аҳолининг спорт хизматларидан қониқиш даражаси ва спорт хизматларидан фойдалана олиш шарт-шароитларини баҳолаш, шунингдек, коррупсия ва бошқа сууистеъмолчилик ҳолатларини аниқлаш учун масъул бўлган **Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармасини** ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари негизида **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига бўйсинадиган ва Жамғарма ҳисобидан молиялаштирилладиган **туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларини** ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги **Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) Вазирлик тасарруфига бериш, уни Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кўкча Дарвоза кўчаси, 27-уй манзилда жойлаштириш, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида унинг филиалларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти негизида **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети**ни (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш;

жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда спорт кийими, анжомлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар фаолиятини ташкил этиш учун пойтахт минтақасида «Спорт» эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш; жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидаги нуфузини оширишда алоҳида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда бошқа шахсларни тақдирлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

## **2. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

вазирликлар ва идоралар жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва инструкторлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокни таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан спорт ўйинлари ва қишқи спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга қўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

### 3. Белгилансинки:

Университет жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа мутахассисларини ўқитиш ҳамда тайёрлашнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича республиканинг базавий олий таълим, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий муассасаси ҳисобланади;

Марказ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструкторлари), кафедра мудирлари, таълим муассасалари ва спорт ташкилотлари тренерлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни амалга оширади.

4. Қуйидагилар оммавий спортни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни саралаш (селекция) соҳасида таълим муассасаларининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

**мактабгача таълим муассасаларида** – бошланғич гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориш орқали жисмоний ривожлантириш ҳамда саломатликни мустаҳкамлаш учун тарбияланувчиларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш;

**умумтаълим мактабларида** – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун синфдан ташқари спорт тўғараклари ва секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 4 соатдан);

**ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида** – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт тури бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий ҳамда республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўғараклари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 6 соатдан);

**олий таълим муассасаларида** – истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этиш.

#### 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси ва кафедра мудири лавозимларига халқаро даражадаги спорт мусобақалари ғолиблари тайинланиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (кафедра мудирлари)ни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик томонидан олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган танлов натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири томонидан амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор ва кафедра мудирлари) нинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўқувчи (талаба)ларни жисмоний ва касбий тайёргарлиги ҳамда улар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаш (селекция)да, энг аввало, эришилган аниқ натижаларни ҳисобга олган рейтинг тизими асосида амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор ва кафедра мудирлари)ни моддий рағбатлантириш улар фаолиятининг шахсий кўрсаткичларини рейтинг тизимида баҳолашга асосан амалга оширилади;



туман (шаҳар) спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларининг ягона календарь режалари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади;

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлилиги бўйича «Ёшлик», «Баркамол авлод» ва «Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### 6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси олимпия спорт турлари бўйича спортчилар, тренерлар ва бошқа спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш қисми бўйича жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, шу жумладан Вазирликнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Вазирликнинг олимпия спорт турларини ривожлантиришга масъул бўлинмалари раҳбарлигига номзодлар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси билан мажбурий равишда келишилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вакиллари олимпия захиралари махсус мактаб-интернатлари раҳбарларини танлаш, тайинлаш ва аттестация қилишда, мазкур мактабларга йўналишлар бўйича қабул қилиш квоталарини келишишда ҳамда спортчиларни халқаро спорт мусобақаларига юборишда иштирок этади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш доирасида спорт федерация (ассоциация)лари учун ажратилаётган ҳомийлик маблағлари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида жамланади ҳамда спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини мақсадли молиялаштиришга, шу жумладан етук хорижий спортчи ва тренерларни жалб қилиш учун сарфланади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Вазирлик билан ҳамкорликда юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни олимпия тайёрлаш марказлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа спорт ташкилотларининг ўқув-машғулот жараёнларига кенг жалб қилишни таъминлайди.

## 7. Куйидагилар ташкил этилсин:

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази;

Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган «Азия-Чимган» меҳмонхонаси негизда миллий терма жамоалар учун универсал олимпия тайёргарлиги маркази;

Жиззах вилояти Зомин туманида «Алоқачи» соғломлаштириш оромгоҳи негизда гимнастика спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Наманган вилояти Чортоқ туманида сержантлар тайёрлаш мактаби негизда спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида «Гулнора» соғломлаштириш оромгоҳи негизда спорт яққаурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил этилаётган марказлар тасарруфида бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу объектларни барча бино ва иншоот мажмуалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия кўмитаси тасарруфига беғараз ўтказилишини таъминласин.

## 8. Белгилаб қўйилсинки:

жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, шунингдек, таълим муассасалари ва спорт ташкилотларида меҳнат қилаётган спорт фахрийларига фаолиятнинг бошқа ҳақ тўланадиган турлари билан шуғулланмаслик шarti билан пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари совриндор спортчилари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,

Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлардаги жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, шунингдек, тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари) тавсияномаларига асосан тренерлик фаолияти бўйича соддалаштирилган тартибда аттестациядан ўтиб, спорт мактабларида тренер сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли;

спорт ташкилотлари (идоралари) раҳбарлиги лавозимига аввал шуғулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ҳамда бошқарув соҳасида амалий кўникмага эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома муддати тугаган тренерлар кўпи билан тўрт ой муддатдан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда янги рухсатнома олинишига қадар меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳақли.

9. Олимпия спорт турларини 2018-2021-йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш учун вазирлик, муассаса ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгилансин.

#### 10. Вазирлик:

икки ой муддатда жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018-йил 1-майга қадар Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни узоқ муддатли истиқболга ривожлантириш концепцияси лойиҳасини халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқсин ва киритсин;

уч ой муддатда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларнинг ишлаш тартибини ташкил этиш тизимини танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш, ташкилий-штат тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш тизимини тартибга солиш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда уч ой муддатда спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, йўриқчилари ҳақидаги маълумотларни ҳамда таълим муассасаларида спорт турлари бўйича имтиҳон қилиш тизими таҳлиллари натижаларини ўз ичига олган Ягона ахборот тизими яратилишини таъминласин;

уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва ўқув тайёргарлик

машқлари давомида спортчиларни тиббий таъминлашни ташкил этиш ва кузатиб бориш тартибини, шу жумладан спорт тиббиёт муассасалари тармоқларини яратишни ўз ичига олган ҳолда, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасалари қошида спорт клубларини ташкил этиш, фаолият олиб бориши ҳамда молиялаштирилиши тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда республика ҳудудида жисмоний тайёргарликни ташкил этишнинг ягона талабларини белгилашни таъминловчи, олимпия спорт турлари бўйича тайёргарликнинг ягона меъёрларини спорт таълими муассасалари фаолиятига татбиқ этишни таъминласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда 2018-йил 1-июньга қадар спортнинг қишки ва ўйин турларининг ривожланиши ва оммалаштиришнинг амалдаги ҳолатини ҳар томонлама ва танқидий таҳлилини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида спортнинг қишки ва ўйин турларини янада ривожланиши юзасидан таклифлар тайёрласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда республика олимпия захиралари мактаб-интернатлари қошида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш таклифини киритсин.

#### 11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний

тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Низомини тасдиқлаш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари контингентини тўлиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини қамраб олган ҳолда уларнинг ташкилий-штат тузилмаси тасдиқлансин;

икки ой муддатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча турдаги таълим муассасаларида таълим стандартлари қайта кўриб чиқилсин, таълимнинг ҳар бир босқичида умумий таълим юкласидан ошмаган ҳолда, дарс соатларини ошириш ёрдамида, спорт тармоқлари бўйича баҳолаш тизимини жорий қилиш, натижаларни тизимли таҳлил қилиш ишлари олиб борилсин;

икки ой муддатда қурилиш-монтаж ишлари, замонавий спорт жиҳозлари, техникаси ва инвентарлар билан таъминлаш, узлуксиз ўқув-машгулот жараёни ва спортчилар, тренер ҳамда бошқа мутахассис ва ишчилар яшаши учун шароит яратишни инобатга олган ҳолда олимпия тайёргарлик марказлари фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинсин;

уч ой муддатда олимпия захиралари мактаб-интернатлари қабул квоталарини спорт турлари бўйича энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган самарали таълим тизими ташкил этилсин;

уч ой муддатда тренерлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича аттестациядан ўтиш ва рухсатнома олиш тартибини соддалаштиришга йўналтирилган ҳукумат қарори қабул қилинсин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар спорт инфратузилмасини ташкил этиш ва тизимли тарзда ишчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш амалиётини жорий этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси икки ой муддатда Мудофаа вазирлигининг спорт клуби, «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш ва касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятини тиклаш, шунингдек, идоровий спорт базаларини модернизация қилиш, улар қошида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун барчанинг шуғулланишига имкони бўлган секция ва тўғараклар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.



14. Вазирлик ҳамда Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва кўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 15-февральдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4956-сон Фармони биринчи банди учинчи хатбошиси ва учинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 март,  
ПФ-5368-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС,  
КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон Фармонини ижро этиш юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда – Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

тасарруфида касб-хунар коллежлари бўлган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар билан биргаликда касб-хунар таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, касб-хунар таълимини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ҳаётга татбиқ этиш ва касб-хунар коллежларида ўқув-тарбия жараёнига ташкилий ва методик раҳбарлик қилишни таъминлаш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифларидан ҳамда илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторидagi таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб касб-хунар коллежларида ўрта бўғиннинг меҳнат бозоридa талаб этилган мутахассисларини тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

юқори профессионал раҳбарлар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда улар билан касб-хунар коллежларини таъминлаш, уларнинг малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириш, шунингдек, улар меҳнатини рағбатлантириш ишларини тизимли асосда таъминлаш;

тизимнинг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлашнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш;

республикадаги барча касб-хунар коллежлари ўқув-методик ишини уларнинг идоровий мансублигидан қатъи назар, мувофиқлаштириш;

касб-хунар коллежларида таълим сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, таълим жараёнини доимий равишда такомиллаштириш;

умумтаълим мактаблари 10-11-синф ўқувчиларининг касбий кўникмаларини шакллантириш бўйича ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касб-хунар таълими жараёнини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш.

### 3. Қуйидагилар:

Марказнинг ташкилий тузилмаси ва ходимларнинг умумий чекланган сони 34 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1- ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларининг (кейинги ўринларда бошқармалар деб юритилади) намунавий тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари ходимларининг чекланган сони 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ директориغا, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида марказий аппарат ва идоровий мансуб ташкилотлар, бошқармалар тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 4. Белгилансинки:

Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вори ҳисобланади;

Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Марказга директор – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади;

Марказ директори Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Марказ директори Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар таълими тизими сифатли ва самарали ташкил этилиши, норматив-ҳуқуқий бошқарилиши, унга юкланган вазифалар тўлақонли ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати негизида Марказ ҳузурида Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ташкил этилсин, унга қуйидаги функциялар юклансин:

таълим дастурлари тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш ишларини доимий равишда амалга ошириш, таълимнинг умумий методологияси доирасида уларнинг самарадорлиги ва мослашишини таъминлаш, янги ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш;

тизимнинг педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини бошқаришнинг янги вертикалини ташкил этиш.

6. Марказ ҳузуридаги ходимларнинг чекланган сони 86 нафар бўлган Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Санъат, маданият ва олимпия захиралари касб-ҳунар коллежлари (коллежлари) 6-иловага\* мувофиқ, битирувчиларига давлат намуна-

сидаги диплом бериладиган ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ва мактаб-интернатларига, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларига айлантирилсин.

\* 1 – 6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

#### 8. Куйидагилар:

а) вазирликлар ва идораларнинг иқтисодийнинг тегишли тармоқлари учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштириладиган касб-хунар коллежлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб:

тўлов-контракт асосида ўқиш учун тушадиган маблағлар;

вазирликлар ва идораларнинг ушбу мақсадларга харажатлар сметасида ҳар йили назарда тутиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари;

б) хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг иқтисодийнинг тегишли тармоқлари учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштириладиган касб-хунар коллежлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб:

тўлов-контракт асосида ўқиш учун тушадиган маблағлар;

хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари;

в) кўп тармоқли касб-хунар коллежлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб – мутахассисларни тўлов-контракт асосида ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун ота-оналар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг маблағлари белгилансин.

Кам таъминланган оилалардан ўқувчилар касб-хунар (кўп тармоқли) коллежларида, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, бепул асосда ўқитиладиган тартиб ўрнатилсин.

#### 9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низомни;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида касб-хунар таълими тўғрисидаги низомни;



2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:  
касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини;  
касб-хунар таълимининг йўналишлари, мутахассисликлари ва  
касблари классификаторини;

касб-хунар коллежларида давлат гранти асосида таълим олган  
битирувчиларни, уларнинг эгаллаган касби бўйича хуудларда  
камида уч йил ишлаб бериш учун ишга юбориш тартибини назарда  
тутувчи низомни;

касб-хунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш тартибини  
тасдиқласин.

#### 10. Иқтисодиёт вазирлиги, Марказ:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлиги, идоравий мансуб касб-хунар коллежларига эга бўлган  
бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2019 йилдан  
бошлаб ҳар йили 1 майгача бўлган муддатда мутахассисликлар ва  
касблар бўйича касб-хунар коллежларига қабул қилиш бўйича кели-  
шилган таклифларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон  
Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича  
Давлат комиссиясининг кўриб чиқиши учун киритсинлар;

икки ой муддатда бошқа вазирликлар ва идоралар билан бирга-  
ликда касб-хунар коллежларига қабул квоталарини шакллан-  
тириш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказ ва бошқа  
манфаатдор вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари  
билан келишган ҳолда ҳар йили касб-хунар коллежларида  
ўқитишнинг шаклланаётган жами харажатларини ва Вазирлар  
Маҳкамасининг қабул қилинган қарорларини ҳисобга олган ҳолда,  
тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати миқдорларини белгиласин.

12. Вазирликлар ва идораларга қуйидаги вазифаларнинг  
бajarилишини таъминлаш, хўжалик бирлашмалари, тижорат банк-  
лари ва йирик корхоналарга амалга ошириш тавсия этилсин:

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини, қоидага кўра, ишлаб  
чиқаришнинг идоравий мансуб объектларида касб-хунар коллежлари  
битирувчиларини кейинчалик уларда ишга жойлаштириш мақсадида  
ташқил этиш;

касб-хунар коллежларини сақлаш, уларнинг харажатларини молиялаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

касб-хунар коллежларининг ўзини ўзи қоплашини ошириш мақсадида белгиланган тартибда таълим хизматлари кўрсатилишини, фаолиятининг тadbиркорлик, маслаҳатлар бериш, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа турларини йўлга қўйиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Марказ ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тугатиладиган ва қайта ташкил этиладиган касб-хунар коллежлари ходимларини ишга жойлаштиришда ёрдам берсинлар.

14. Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 февраль,  
ПҚ-3504-сон

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**О СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЦЕНТРА  
СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО, ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 25 января 2018 года № УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования»:

1. Создать Центр профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан (далее – Центр) на базе Центра среднего специального, профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

2. Определить основными задачами и направлениями деятельности Центра:

реализацию единой государственной политики в сфере профессионального образования совместно с министерствами, ведомствами, хозяйственными объединениями, коммерческими банками и крупными предприятиями, имеющими в своем ведении профессиональные колледжи, претворение в жизнь средне - и долгосрочных программ по развитию профессионального образования, обеспечение организационного и методического руководства учебно-воспитательным процессом в профессиональных колледжах;

организацию разработки учебных планов и программ подготовки в профессиональных колледжах востребованных на рынке труда специалистов среднего звена, исходя из потребностей и предложений работодателей и передового зарубежного опыта, а также с учетом структурных изменений в реальных секторах экономики;

обеспечение на системной основе работы по подбору и укомплектованию профессиональных колледжей высокопрофессиональными руководящими и педагогическими кадрами,

регулярному повышению их квалификации и профессионального уровня, а также по стимулированию их труда;

внедрение новых форм и методов повышения квалификации и переподготовки руководящих и педагогических кадров системы;

координацию учебно-методической работы всех профессиональных колледжей республики независимо от их ведомственной принадлежности;

разработку и реализацию мер, направленных на повышение качества образования в профессиональных колледжах, постоянное совершенствование образовательного процесса;

координацию и методическое обеспечение процесса профессионального образования в специализированных учебно-производственных комплексах по формированию профессиональных навыков учащихся 10-11-х классов общеобразовательных школ;

### 3. Утвердить:

организационную структуру и структуру центрального аппарата Центра с предельной общей численностью персонала в количестве 34 единиц согласно приложениям №№ 1 и 2;

типовую структуру территориальных управлений профессионального образования Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента (далее – управления) согласно приложению № 3;

предельную численность работников территориальных управлений профессионального образования Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента согласно приложению № 4;

Предоставить директору Центра право, при необходимости, вносить изменения в структуры центрального аппарата и подведомственных организаций, управлений в пределах установленной предельной общей численности персонала.

### 4. Установить, что:

Центр является правопреемником Центра среднего специального, профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан по всем его правам, обязательствам и договорам;

решения Центра, принятые в пределах его полномочий, являются обязательными для исполнения органами государственного и хозяйственного управления, органами государственной власти на местах и хозяйствующими субъектами;

Центр возглавляет директор – первый заместитель министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан;

директор Центра назначается и освобождается от должности Президентом Республики Узбекистан по представлению министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан;

директор Центра несет персональную ответственность за качественную и эффективную организацию, нормативно-правовое регулирование системы профессионального образования Республики Узбекистан, полноценное и своевременное выполнение возложенных на него задач.

5. Создать Институт инновационного развития, повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров системы профессионального образования при Центре на базе Института повышения квалификации и переподготовки кадров системы среднего специального, профессионального образования при Центре среднего специального, профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования и Службы информационно-методического обеспечения учреждений среднего специального, профессионального образования при Центре среднего специального, профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, с возложением на него функций по:

осуществлению постоянной работы по усовершенствованию структуры и содержания образовательных программ, обеспечению их эффективности и адаптируемости в рамках общей методологии обучения, разработке новых учебных планов и программ и их внедрению в учебный процесс;

внедрению новых форм и методов повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров системы, организации новой вертикали управления системой повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров с использованием современных образовательных технологий.

6. Утвердить структуру Института инновационного развития, повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров



системы профессионального образования при Центре с предельной численностью персонала в количестве 86 единиц согласно приложению № 5.

7. Преобразовать профессиональные колледжи (колледжи) искусств, культуры и олимпийского резерва в специализированные школы и школы-интернаты искусств и культуры, специализированные школы-интернаты олимпийского резерва с выдачей диплома государственного образца согласно приложению № 6.

8. Определить основными источниками финансирования деятельности:

а) профессиональных колледжей министерств и ведомств, специализирующихся на подготовке кадров для соответствующих отраслей экономики:

средства, поступающие за обучение на платно-контрактной основе;

бюджетные и внебюджетные средства министерств и ведомств, ежегодно предусматриваемые в их сметах расходов на данные цели;

средства из других источников, не запрещенных законодательством;

б) профессиональных колледжей хозяйственных объединений, коммерческих банков и крупных предприятий, специализирующихся на подготовке кадров для соответствующих отраслей экономики:

средства, поступающие за обучение на платно-контрактной основе;

средства хозяйственных объединений, коммерческих банков и крупных предприятий;

средства из других источников, не запрещенных законодательством;

Установить порядок, при котором учащиеся из малообеспеченных семей обучаются в профессиональных (многопрофильных) колледжах вне зависимости от подведомственности на бесплатной основе.

9. Кабинету Министров Республики Узбекистан утвердить:

в двухмесячный срок Положение о Центре профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан;

в трехмесячный срок Положение о профессиональном образовании в Республике Узбекистан;

в срок до 1 января 2019 года:

государственные образовательные стандарты профессионального образования;

классификатор направлений, специальностей и профессий профессионального образования;

Положение о порядке направления на работу выпускников профессиональных колледжей, обучавшихся на основе государственного гранта, предусматривающее условие их отработки в регионах по полученной профессии не менее трех лет;

порядок приема учащихся в профессиональные колледжи.

10. Министерству экономики, Центру:

совместно с Министерством занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, другими министерствами и ведомствами, имеющими подведомственные профессиональные колледжи, начиная с 2019 года в срок до 1 мая ежегодно вносить на рассмотрение Государственной комиссии при Кабинете Министров по приему в образовательные учреждения Республики Узбекистан согласованные предложения по приему в профессиональные колледжи в разрезе специальностей и профессий;

в двухмесячный срок совместно с другими министерствами и ведомствами разработать и внести на утверждение в Кабинет Министров Республики Узбекистан порядок формирования квот приема в профессиональные колледжи.

11. Министерству финансов Республики Узбекистан по согласованию с Центром и другими заинтересованными министерствами, ведомствами и хозяйственными объединениями ежегодно устанавливать, с учетом складывающихся совокупных затрат на обучение в профессиональных колледжах и принятых решений Кабинета Министров, размеры стоимости обучения на платно-контрактной основе.

12. Министерствам и ведомствам обеспечить, хозяйственным объединениям, коммерческим банкам и крупным предприятиям рекомендовать:

организацию производственной практики учащихся, как правило, на подведомственных объектах производства, с дальнейшим трудоустройством выпускников профессиональных колледжей;

содержание и финансирование расходов профессиональных колледжей, укрепление их материально-технической базы;

осуществление образовательных услуг, предпринимательской, консультативной, экспертной, издательской, производственной, инновационной и других видов деятельности в целях повышения самоокупаемости профессиональных колледжей в установленном порядке.

13. Министерству занятости и трудовых отношений совместно с Центром и Министерством народного образования Республики Узбекистан оказать содействие в трудоустройстве работников упраздняемых и реорганизуемых профессиональных колледжей.

14. Центру совместно с Министерством юстиции Республики Узбекистан и другими заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести предложения в Кабинет Министров Республики Узбекистан об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.


15. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан А.Н. Арипова и Государственного советника Президента Республики Узбекистан Р.С. Касимова.

**Президент Республики Узбекистан**  
**Ш. МИРЗИЁЕВ**

г. Ташкент,  
3 февраля 2018 г.,  
№ ПП-3504

## ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА


### Центра профессионального образования Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан



*Примечание. Данная структура подлежит пересмотру по итогам завершения передачи профессиональных колледжей соответствующим министерствам, ведомствам, коммерческим банкам и крупным предприятиям до 1 сентября 2020 года.*

# СТРУКТУРА

Центрального аппарата Центра профессионального образования  
Министерства высшего и среднего специального образования  
специального образования Республики Узбекистан




Предельная численность управленческого персонала – 34 ед. (численность обслуживающего и технического персонала определяется в соответствии с установленными нормативами).

**Примечание.** Данная структура подлежит пересмотру по итогам завершения передачи профессиональных колледжей соответствующим министерствам, ведомствам, коммерческим банкам и крупным предприятиям до 1 сентября 2020 года.



ПРИЛОЖЕНИЕ № 3  
 к Постановлению Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2018 года № ПП-3504

ТИПОВАЯ СТРУКТУРА  
 территориальных управлений профессионального образования Республики  
 Каракалпакстан, областей и города Ташкента



Всего штатная численность составляет 17 – 23 ед., из которых управленческого персонала – 11 – 15 ед., производственный персонал – 6 – 8 ед.

\* численность технического и вспомогательного персонала определяется в соответствии с установленными нормативами.

Общая предельная численность управлений Территориальных управлений профессионального образования Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента составляет 290 ед., из которых управленческий персонал – 187 ед., производственный персонал – 103 ед.

Примечание. Данная структура подлежит пересмотру по итогам завершения передачи профессиональных колледжей соответствующим министерствам, ведомствам, коммерческим банкам и крупным предприятиям до 1 сентября 2020 года.

Область	Учреждения	штатная численность	штатная численность
Алматы	1	1	1
Актюбинская	1	1	1
Атyraу	1	1	1
Башкортостан	1	1	1
Белгородская	1	1	1
Брянская	1	1	1
Волгоградская	1	1	1
Воронежская	1	1	1
Иркутская	1	1	1
Калининградская	1	1	1
Калужская	1	1	1
Кемеровская	1	1	1
Кировская	1	1	1
Курганская	1	1	1
Курчатовская	1	1	1
Липецкая	1	1	1
Магнитогорская	1	1	1
Марийская	1	1	1
Мурманская	1	1	1
Новосибирская	1	1	1
Омская	1	1	1
Орловская	1	1	1
Рязанская	1	1	1
Самарская	1	1	1
Сафмарская	1	1	1
Свердловская	1	1	1
Тамбовская	1	1	1
Татарстан	1	1	1
Тверская	1	1	1
Томская	1	1	1
Тульская	1	1	1
Ульяновская	1	1	1
Ханты-Мансийский автономный округ	1	1	1
Челябинская	1	1	1
Шаркортостан	1	1	1
Итого	24	24	24

ПРИЛОЖЕНИЕ № 4  
к постановлению Президента Республики Узбекистан от 3 февраля  
2018 года № ПП-3504


**ПРЕДЕЛЬНАЯ ЧИСЛЕННОСТЬ РАБОТНИКОВ  
территориальных управлений профессионального образования  
Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента**

Наименование территории	Всего	из них:	
		управленческий персонал	производственный персонал
Республика Каракалпакстан	21	13	8
Андижанская область	22	14	8
Бухарская область	20	13	7
Джизакская область	19	13	6
Кашкадарьинская область	23	15	8
Навоийская область	18	11	7
Наманганская область	20	13	7
Самаркандская область	23	15	8
Сурхандарьинская область	20	13	7
Сырдарьинская область	17	11	6
Ташкентская область	22	14	8
Ферганская область	23	15	8
Хорезмская область	20	13	7
г. Ташкент	22	14	8
<b>Всего</b>	<b>290</b>	<b>187</b>	<b>103</b>

Примечание. Данная предельная численность персонала подлежит пересмотру по итогам завершения передачи профессиональных колледжей соответствующим министерствам, ведомствам, коммерческим банкам и крупным предприятиям до 1 сентября 2020 года.

## СТРУКТУРА

**Института инновационного развития, повышения  
квалификации и переподготовки педагогических кадров  
системы профессионального образования при Центре  
профессионального образования Министерства высшего  
и среднего специального образования Республики  
Узбекистан**



Предельная общая численность персонала (без вспомогательного персонала) – 86 единиц, из них управленческий персонал – 20 единиц.

\* Численность персонала факультетов повышения квалификации, эксплуатационно-хозяйственного отдела определяется в соответствии с нормативами, установленными законодательством.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 6  
к постановлению Президента Республики Узбекистан от 3  
февраля 2018 года № ПП-3504

**ПЕРЕЧЕНЬ**  
профессиональных колледжей (колледжей) искусств,  
культуры и олимпийского резерва, реорганизуемых в  
специализированные школы и школы-интернаты

№	Наименование реорганизуемого профессионального колледжа	Наименование министерств и ведомств, в структуры которых передаются реорганизуемые колледжи	Наименование создаваемых специализированных школ и школ-интернатов
<b>1. Колледжи искусств и культуры</b>			
1.	Нукусский колледж культуры и искусств	Министерство культуры	Нукусская специализированная школа культуры
2.	Элишкаринский профессиональный колледж педагогики и искусств	Министерство культуры	Элишкаринская специализированная школа искусств
3.	Анджиканский профессиональный колледж искусств	Министерство культуры	Анджиканская специализированная школа искусств
4.	Бухарский колледж культуры	Министерство культуры	Бухарская специализированная школа-интернат культуры



5.	Бухарский колледж искусств	Министерство культуры	Бухарская специализированная школа искусств
6.	Джизакский колледж искусств	Министерство культуры	Джизакская специализированная школа искусств
7.	Каршинский профессиональный колледж культуры и туризма	Министерство культуры	Каршинская специализированная школа культуры
8.	Каршинский колледж искусств	Министерство культуры	Каршинская специализированная школа искусств
9.	Навоийский колледж культуры и искусств	Министерство культуры	Навоийская специализированная школа культуры
10.	Наманганский колледж искусств	Министерство культуры	Наманганская специализированная школа искусств
11.	Наманганский колледж культуры	Министерство культуры	Наманганская специализированная школа культуры
12.	Самаркандский профессиональный колледж искусств	Министерство культуры	Самаркандская специализированная школа искусств
13.	Термезский колледж искусств	Министерство культуры	Термезская специализированная школа искусств
14.	Гулистанский колледж искусств	Министерство культуры	Гулистанская специализированная школа искусств
15.	Профессиональный колледж культуры и искусств Ташкентской области	Министерство культуры	Специализированная школа культуры Ташкентской области
16.	Бекабадский колледж искусств	Министерство культуры	Бекабадская специализированная школа искусств

17.	Ферганский колледж искусств	Министерство культуры	Ферганская специализированная школа искусств
18.	Кокандский профессиональный колледж изобразительного прикладного искусства	Академия художеств	Кокандская специализированная школа искусств
19.	Ургенчский колледж искусств	Министерство культуры	Ургенчская специализированная школа искусств
20.	Ташкентский колледж культуры	Министерство культуры	Ташкентская специализированная школа культуры
21.	Республиканский колледж дизайна	Академия художеств	Республиканская специализированная школа дизайна
22.	Республиканский художественный колледж	Академия художеств	Республиканская специализированная школа художества
23.	Ташкентский профессиональный колледж хореографии	Министерство культуры	Республиканская специализированная школа хореографии
24.	Республиканский эстрадно – цирковой колледж	Министерство культуры	Республиканская специализированная школа эстрады и цирка
<b>II. Колледжи олимпийского резерва</b>			
25.	Нукуский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Нукуская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
26.	Андижанский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Андижанская специализированная школа-интернат олимпийского резерва

27.	Бухарский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Бухарская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
28.	Джизакский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Джизакская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
29.	Каршинский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Каршинская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
30.	Навоийский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Навоийская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
31.	Наманганский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Наманганская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
32.	Самаркандский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Самаркандская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
33.	Тайлакский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Тайлакская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
34.	Термезский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Термезская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
35.	Гулистанский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Гулистанская специализированная школа-интернат олимпийского резерва

36.	Чирчикский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Чирчикская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
37.	Ферганский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Ферганская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
38.	Ургенчский колледж олимпийского резерва	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Ургенчская специализированная школа-интернат олимпийского резерва
39.	Республиканский колледж олимпийского резерва г. Ташкента	Государственный комитет по физической культуре и спорту	Республиканская специализированная школа-интернат олимпийского резерва

**Примечание:**

1. Общее количество специализированных школ и школ-интернатов – 39, в том числе:

специализированных школ (школ-интернатов) культуры и искусства – 24; специализированных школ-интернатов олимпийского резерва – 15.

2. В настоящий Перечень, при необходимости, могут вноситься изменения и дополнения в соответствии с решением Республиканской комиссии по координации дальнейшего совершенствования системы профессионального образования.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОМОНИДАН  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ  
АСОСИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН, ЎЗБЕКИСТОН  
ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ ФАОЛ АЪЗОСИ БЎЛГАН  
ТАЛАБАЛАРНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ  
ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири  
И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш., 2017 йил 27 декабрь, 30-2017-сон

**Молия вазири Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш., 2017 йил 27 декабрь, 186-сон



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг

2017 йил 27 декабрдаги 30-2017 ва 186-сон қарорига

ИЛОВА

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган,**

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги**

### **НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (бундан буён матнда Иттифок деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қоидалари олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичларида тўлов-контракт асосида ўқишнинг кундузги бўлимида (иккинчи мутахассислик, сиртки ва кечки таълим бундан мустасно) таҳсил олаётган талабаларга қўлланилади.

2. Мазкур Низомга мувофиқ тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар Иттифокнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол қатнашган тақдирда Иттифок томонидан моддий қўллаб-қувватланади.

Моддий қўллаб-қувватлаш Иттифок томонидан талабанинڭ ўқиши учун тўланадиган йиллик тўлов-контракт миқдорининг 33 фоизини тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Бунда талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш улар томонидан шартномада белгиланган

тўлов миқдорининг 65 фоизини белгиланган муддатларда тўлаш шарти билан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори асосида қўшимча тўлов-контракт асосида бакалаврият босқичига ўқишга қабул қилинган талабалар иккинчи босқичдан бошлаб моддий қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм Қўмондонлигининг тавсияномаси асосида олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган ва Иттифоқ томонидан моддий ёрдам кўрсатилаётган талабаларга мазкур Низомда белгиланган моддий қўллаб-қувватлаш имтиёзлари татбиқ этилмайди.

#### **2-боб. Моддий қўллаб-қувватланадиган даъвогарларга қўйиладиган талаблар**

5. Моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этилаётган талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврда (биринчи босқич талабалари учун ўқув йилининг биринчи семестр натижаларини) 86 фоиз ва ундан юқори бўлиши лозим. Бунда талабанинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилаётган даврдаги ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари йиғиндисини ўтилган ҳар бир семестрдаги ўқув фанларининг умумий сонига бўлиш орқали аниқланади.

6. Иттифоқнинг олий таълим муассасасидаги Ёшлар Кенгаши (бундан буён матнда Ёшлар Кенгаши деб юритилади) даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда даъвогар талабаларнинг қуйидаги асосий кўрсаткичларини (биринчи босқичдаги даъвогар талабалар учун ўқув йилининг биринчи семестр натижаларини) инобатга олади:

даъвогар талабанинг Иттифоқ ва олий таълим муассасаси фаолиятидаги маънавий-марифий ва жамоат ишларида Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти, маҳаллий ва ҳудудий Кенгашлари, Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ташкил этиладиган лойиҳа ва тадбирларидаги фаол иштироки;

даъвогар талабанинг фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги натижалари;

даъвогар талабанинг ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятлари;  
даъвогар талабанинг илмий ва ижодий фаолияти натижалари;

даъвогар талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларга риоя этиши (талабанинг олий таълим муассасасида белгиланган ички тартиб-қоидаларига риоя этмаганлиги юзасидан фақат олий таълим муассасаси ректори буйруғи асосида берилган ҳайфсан Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши томонидан даъвогар талабани моддий қўллаб-қувватлашни рад этиш учун асос сифатида қабул қилинади).

Даъвогар талабаларнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

### **3-боб. Моддий қўллаб-қувватланадиган даъвогар талабаларни саралаш**

7. Ҳар йили 1 февраль кунидан кечикмаган ҳолда Ёшлар Кенгаши олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича ўз фаолиятини бошлаши лозим.

8. Ҳар йили 10 февраль кунига қадар мазкур Низомнинг 2-бандида кўзда тутилган талабалар Ёшлар Кенгашига Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватлаш кўрсатилишини сўраб ариза билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ҳар йили 10 февралдан 15 февралга қадар Ёшлар Кенгаши даъвогар талабаларнинг аризаларини кўриб чиқади ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш учун тавсия этиш бўйича қарор қабул қилади.

10. Иттифоқнинг Ёшлар Кенгаши талабани моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш ёки рад этиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар талабани моддий қўллаб-қувватлаш рад этилган ҳолларда, Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёнида унинг сабаблари кўрсатилади.

11. Ёшлар Кенгашининг моддий қўллаб-қувватлашга талабаларни тавсия этиш тўғрисидаги қарори жорий ўқув йили мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

12. Ёшлар Кенгашининг тегишли мажлиси баёни нусхалари уч иш куни мобайнида олий таълим муассасасига ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига тақдим этилади.

Иттифоқнинг Марказий Кенгашига юбориладиган мажлис баённомасининг нусхасига моддий ёрдам кўрсатишга тавсия этилган талабаларнинг рўйхати илова қилинади.

Мазкур Низом асосида тақдим этилган барча ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) ҳамда Ёшлар Кенгаши жавобгар ҳисобланади.

13. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши Ёшлар Кенгашлари қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани Ёшлар Кенгашининг тегишли ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг, ўн иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқади.

14. Моддий қўллаб-қувватлаш жараёни Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида амалга оширилади.

15. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорининг бир нусхаси уч иш кун ичида тегишли олий таълим муассасасига, яна бир нусхаси Ёшлар Кенгашига юборилади.

16. Иттифоқ Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин беш банк кун ичида мобайнида, лекин йилнинг 1 мартидан кечиктирилмай олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига моддий ёрдам кўрсатиш пули ўтказилади.

17. Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда даъвогар талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга тавсия этиш билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш муддатларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

#### **4-боб. Моддий ёрдам кўрсатиш пулининг қайтарилиши**

18. Талабалар сафидан чиқарилган ёки академик таътилга чиққан талаба Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 28 ва 29-бандларига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши томонидан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилган

моддий ёрдам кўрсатиш пули қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва Иттифоқнинг Марказий Кенгашига қайтарилиши лозим.

19. Олий таълим муассасаси талабалари сафидан чиқарилган талаба Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) 27-бандига мувофиқ ўзининг тўлов-контракт асосида ўқиши учун тўлаган маблағини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши тўланган моддий ёрдам кўрсатиш пулини талабадан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундиради.

20. Талаба моддий қўллаб-қувватланиш ҳуқуқидан воз кечса, олий таълим муассасаси талаба учун тўланган маблағни Иттифоқнинг Марказий Кенгашига ўн банк куни ичида қайтаради.

21. Мазкур Низомнинг 19 – 21-бандларида кўрсатилган ҳолатлар юз берган тақдирда Ёшлар Кенгаши Иттифоқнинг Марказий Кенгашини ўн календарь куни мобайнида хабардор қилиши шарт.

#### **5-боб. Яқуний қоидалар**

22. Мазкур Низом қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, Иттифоқ томонидан моддий қўллаб-қувватланган талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки, ўзлаштириши, интизоми ва Иттифоқ фаолиятидаги иштироки устидан назорат қилиш тегишли олий таълим муассасаси ҳамда Ёшлар Кенгаши зиммасига юклатилади.

23. Ушбу Низом Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишилган.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши раиси  
Қ. ҚУРАНБАЕВ**

2017 йил 27 декабрь



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗГАНЛИК УЧУН  
МЕХНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 312-сон «Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қарор қилади:

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2017 йил 1 декабрдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги 5-2016, 12-мх ва 34-к/к-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2834, 2016 йил 24 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 508-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,  
Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2017 йил  
17 апрелдаги 1-2017, 23 ва 10-к/қ-сон «Ўқув машғулотларини  
ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларига қўшимча  
киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2834-1, 2017 йил 21  
апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2017 й., 16-сон, 283-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 8 январь,

1-2018-сон

**Халқ таълими вазири**

**У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 8 январь,

1-мх-сон

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,

2018 йил 8 январь,

2-к/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,  
Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-2018, 1-мх ва 2-к/к-сон  
қарорига

ИЛОВА

**Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ  
тўлаш  
МИҚДОРЛАРИ**

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек мазкур муассасаларида ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб боровчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	36,193,6
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	21,227,2
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	14,561,9

2.	Олий таълим муассасалари талабалари	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	41,364,1
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	26,125,6
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	18,930,3
3.	Таъин докторант ва докторантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари**	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	49,982,6
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	34,289,8
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	27,667,5

4.	Кўрсаткичлар, ўрта махсус, касб-хуна маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар***	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	28,226,9
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	16,431,1
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	11,083,1

2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб боровчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудир	олий малака тоифали	16,454,4
		биринчи малака тоифали	15,510,4
		иккинчи малака тоифали	14,524,5
		олий маълумотли	13,563,2
		ўрта махсус маълумотли	12,678,4



2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малақа тоифали	13,631,0
		биринчи малақа тоифали	12,364,0
		иккинчи малақа тоифали	11,580,0
		олий маълумотли	10,816,2
		ўрта махсус маълумотли	10,119,4

\* илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.

\*\* олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорларидан 25 фоизга кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилашга ҳақли.

\*\*\* ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.

### **Изоҳ:**

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари

талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Академик лицейларга ўқитувчилик фаолиятига меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этиладиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борувчи шахслар учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

5. Умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ишлаб чиқариш таълими усталарининг соатбай ҳақ тўлаш миқдори — 14561,9 сўм.

6. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

7. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

3. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**Молия вазири Д. КУЧКАРОВ**

2018 йил 8 январь

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли Фармони.....	3
Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Общего среднего, среднего специального и профессионального образования.....	9
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5368-сонли Фармони.....	20
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПКҚ-3504-сонли қарори.....	33
Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3504 от 3 февраля 2018 года «О совершенствовании деятельности центра Среднего специального, профессионального образования Министерства Высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан».....	39
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 27 декабрдаги 30-2017-сонли, ҳаммда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги 186-сонли «Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қўшма қарорлари.....	58

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-2018-сонли, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-мқ-сонли, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 2-қ/қ-сонли «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қўшма қарорлари ..... 64

Оригинал макетдан босишга рухсат этилди 13 апрел 2018 йил.  
Бичими 560x84, 1/16. Шартли босма табағи 5.  
Адади 1000 нусха. Буюртма рақами 1

«SHAFOAT NUR FAYZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳар Учтепа тумани 71-уй

